

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үн67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

МИРЗАЕВ ФАХРИТДИН ЗИЯТОВИЧ

**ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ
ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқи
ва суд экспертизаси

**юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Мирзаев Фахритдин Зиятович

Одам ўлдириш жиноятини тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатлари.....3

Мирзаев Фахритдин Зиятович

Особенности расследования преступления умышленного убийства.....25

Mirzayev Fakhritdin Ziyatovich

Features of the investigation of the crime of murder.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үн67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

МИРЗАЕВ ФАХРИТДИН ЗИЯТОВИЧ

**ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ
ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқи
ва суд экспертизаси

**юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Yu512 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.proacademy.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Астанов Истам Рустамович

юримик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Вахобжон

юримик фанлар доктори, профессор

Қўшаев Нурали Махмудович

юримик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат юримик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 12 декабрь куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (+99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (47-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (+99871) 202-04-96.

Диссертация автореферати 2024 йил 30 ноябрь куни тарқатилди.

(2024 йил 30 ноябрдаги 13-рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мамасиддиқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юримик фанлар доктори, профессор

Ш.И. Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.А. Аминжанова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юримик фанлар доктори, профессор

КИРИШ(Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва асослантирилганлиги. Дунёда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бошқармасининг 2019 йилдаги қотиллик бўйича глобал тадқиқотига кўра, 2017 йилда 464 минг киши ўлдирилган, бу ўша даврдаги курулди тўқнашувларда ҳалок бўлганлардан беш баравар кўпдир. Жаҳонда 2017 йилда глобал қотиллик даражаси ҳар 100 минг кишига 6,1 тани ташкил этган бўлсада, қотиллик кўрсаткичлари бутун дунё бўйлаб турлича бўлганлигини кўришимиз мумкин. Марказий Америка ва Кариб ҳавзаси глобал иссиқ нуқталар бўлиб, Эл Салвадор (61,7), Гондурас (41) ва Ямайка (56,4) каби мамлакатларда қотиллик кўрсаткичлари глобал ўртача кўрсаткичдан 10 баравар юқори¹. Сўнгги йилларда дунё бўйлаб қотилликлар сони сезиларли даражада ўзгарган бўлсада, 2001-2020 йиллар оралиғида кўпайиш тенденцияси кузатилди ва 2020 йилда 436,900 тани ташкил этди².

Жаҳонда одам ўлдириш жиноятининг ўсиб бориши натижасида одам ўлдириш жиноятини очиш, далилларни топиш, тўплаш, текшириш, баҳолаш, ушбу турдаги жиноятларни криминалистик тавсифини тўғри аниқлаш, дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатларини ўтказиш кетма кетлигини тўғри белгилаш, ушбу турдаги жиноятни тергов қилиш янги механизмларини жорий этишга оид илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда одам ўлдириш жиноятини тергов қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш, ушбу жиноятни тергов қилишнинг янги услубиётларини яратиш ва ундаги тергов ҳаракатини ўтказиш тартибини такомиллаштиришга оид нормаларни қонунчиликка киритиш ҳамда амалиётда ушбу жиноятни тез ва тўла очишнинг самарали усулларини топиш ва илмий таҳлил қилиш устувор вазифа ҳисобланади.

Республикамызда 2020 йилда содир этилган жами 416 та одам ўлдириш жиноятларининг 44 таси ёки 10,5 фоизи, 2021 йилда жами 425 та шундан 8 таси ёки 1,8 фоизи, 2022 йилда жами 358 та шундан 9 таси ёки 2,5 фоизи, 2023 йилда эса, жами 374 та шундан 7 таси ёки 1,8 фоизи фош этилмаган. Жиноятлар фош этилмаслигининг асосий сабаблари тергов ҳаракатларини ўтказишнинг қонун ва криминалистик қоидаларидан келиб чиқиб ўтказилмаганлиги, замонавий техник воситалар, экспертизалар имкониятларини тўлиқ билмаслик, ушбу жиноят амалга ошириладиган ҳаракатлар кетма-кетлигига риоя қилинмаслиги, тергов тактикаси ва услубиётини билмаслик натижасида юзага келмоқда. Мамлакатимизда бугунги кунда одам ўлдириш жиноятини тергов қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш, одам ўлдириш жиноятини тергов қилиш алгоритминини яратиш, жиноят юзасидан терговчи томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар, терговни режалаштириш, дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатлари, жиноятни очиш билан боғлиқ криминалистик муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ <https://worldpopulationreview.com/country-rankings/murder-rate-by-country>

² <https://knoema.com/atlas/World/Number-of-homicides>

Бу эса одам ўлдириш жиноятини тергов қилиш бўйича зарур илмий тадқиқот ўтказиш зарурлигидан далолат беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2022 йил 28 ноябрда қабул қилинган “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-257-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон, 2022 йил 28 январдаги “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-105-сон қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация илм-фанни ривожлантиришнинг “Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг илмий фаолияти” номли учинчи устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Одам ўлдириш жиноятини тергов қилиш масалалари ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, уни жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан К.Р.Абдурасулова, З.Ҳ.Гулямов, О.Закирова, З.С.Зарипов, Р.Кабулов, Ю.М.Каракетов, М.Х.Рустамбоев, М.Ражабова, Ф.Тоҳиров, М.Усмоналиев, Қ.Ҳ.Пайзуллаевлар; жиноят-процессуал ва криминалистик жиҳатдан Ғ.Абдумажидов, Б.Ҳ.Пулатов, Ю.С.Пулатов, А.К.Закурлаев, Д.Миразов, Ш.Ф.Файзиев, Н.Қўшаев ва И.Р.Астановлар томонидан¹ тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатлардан Lauren Robertson,² Marieke Liem, Katharina Krüsselmann, Manuel Eisner³, Graham Denyer Willis,⁴ Andrew V. Papachristosлар⁵, МДХ давлатлари олимларидан С.И.Гусаев, В.И.Шиканов, А.П.Темцова, Н.Н.Китаев, В.Н.Карагодин, Э.В.Никитина ва Л.А.Зашляпин кабилар одам ўлдириш жиноятида тергов версияларининг ташкилий роли, режалаштириш, тергов ҳаракатларини ташкил этиш, тергов ва суриштирув органлари ўртасидаги ўзаро алоқалар масалаларини ўрганиб чиққанлар.

Мазкур диссертация эса, одам ўлдириш жиноятини тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатларига бағишланган.

¹ И.Р.Астанов Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни тергов қилиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Бош прокуратура Академияси, 2021 й. 131 б.

² es.library.usyd.edu.au/bitstream/handle/2123/21867/Dissertation_Final.pdf?sequence=1.

³ Marieke Liem, Katharina Krüsselmann, Manuel Eisner View Sage Journals Home Volume 24, Issue 3: <https://doi.org/10.1177/1088767920924447>.

⁴ Graham Denyer Willis. The killing consensus : homicide detectives, police that kill and organized crime in São Paulo, Brazil. B.A. Ibero-American Studies and Portuguese University of Toronto, 2013. 288 P.

⁵ Andrew V. Papachristos. Murder by Structure: Dominance Relations and the Social Structure of Gang Homicide. AJS Volume 115 Number 1 (July 2009): 74–128.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бош прокуратура Академиясининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Одам ўлдириш жиноятини тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатлари” номли илмий тадқиқот йўналиши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқот ишининг мақсади одам ўлдириш жиноятини тергов қилиш услубиётини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

одам ўлдириш жиноятининг криминалистик тавсифини таҳлил қилиш;

одам ўлдириш жиноятлари бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни таҳлил қилиш ва ривожлантириш;

одам ўлдириш жиноятларини тергов қилиш бўйича хориж амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

одам ўлдириш жиноятини тергов қилишда вужудга келадиган тергов вазиятлари тавсифини ўрганиш;

одам ўлдириш жиноятини тергов қилишда тусмолларни илгари суришнинг ўзига хос хусусиятларини ажратишни тизимлаштириш;

одам ўлдириш жинояти бўйича терговни режалаштиришнинг янги тартибини шакллантириш;

тергов жараёнини техник жиҳатдан таъминлаш ва тактик қоидаларини қўллаш масалаларини ривожлантириш;

тергов жараёнида юзага келадиган мавҳум ҳолатлар бўйича бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар чек листини яратиш;

тергов қилиш чоғида амалга ошириладиган дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатлари алгоритминини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқотнинг объектини одам ўлдириш жиноятини тергов қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети одам ўлдириш жиноятини тергов қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция, дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

процессуал ҳаракатлар яъни, ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш; тинтув; кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш; тергов эксперименти; шахсни ушлаш; химоячидан воз кечиш; шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган тинтув ва олиб қўйиш каби процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги асосланган;

тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинганда, текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши асосланган;

прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолиятига унинг назорат ваколати сифатида экспертиза муассасалари ва тергов тармоқлари ўртасида ҳамкорликни киритиш орқали ривожлантириш таклиф қилинган;

прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назоратини таъминлаш ва тергов сифатини яхшилаш мақсадида Бош прокуратура ва унинг тизимида прокурор-криминалист лавозимини жорий этиш кераклиги асослантирилган;

одам ўлдириш жиноятини тергов қилишда кўздан кечириш тергов ҳаракати имкониятларидан самарали фойдаланиш услубиёти яратилди, тергов ҳаракатларини ўтказишда йўл қўйиладиган хато ва камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

одам ўлдириш жиноятини тергов қилишга оид амалиётда йўл қўйиладиган камчиликлар реестри шакллантирилди ва бу орқали терговчилар томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар рўйхати шакллантирилди;

амалиёт ходимлари учун одам ўлдириш жиноятини тергов қилишга оид тергов ҳаракатларини ўтказиш бўйича телеграмм бот яратилди;

одам ўлдириш жиноятини тергов қилиш жараёнида ўтказиладиган тергов ҳаракатларини ўтказиш кетма-кетлиги акс этган алгоритм яратилди;

одам ўлдириш жиноятини тергов қилишда қўлланиладиган замонавий техник воситалар ва уларни амалиётда қўллаш самарадорлиги асослантириб берилди;

одам ўлдириш жиноятини тергов қилишда ўтказиладиган кўздан кечириш тергов ҳаракати бўйича услубий қўлланма чоп этилди ҳамда терговчилар учун асосий услубий манбага айланди;

қасддан одам ўлдириш жиноятини тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатлари бўйича ўқув қўлланма чоп этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Одам ўлдириш жиноятини тергов қилишга оид 100 дан ортиқ жиноят ишлари ҳужжатлари ўрганилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган, амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар қотиллик жиноятларини тергов қилиш тактикасининг илмий-назарий асосларини такомиллаштиришга муайян даражада ҳисса қўшади. Тадқиқотда билдирилган таклиф ва тавсиялар ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва тергов самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ушбу вазифалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, тергов органлари томонидан амалга оширилади, улар ўз ишларида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормаларига, шу жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилишини ҳисобга олган ҳолда қўлланиладиган криминалистика фани ва криминалистик техниканинг ютуқларига таянади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган ҳолатларни жорий қилинишига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-617-сон Қонуни 1-моддаси 2-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 91-моддасининг тўртинчи қисмини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 10 октябрдаги 27/2-26-24-сонли далолатномаси). Таклифларнинг инобатга олиниши ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти, шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш, шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган тинтув ва олиб қўйиш каби процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлишига хизмат қилган;

тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари далил сифатида тан олинишига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли Қонуни 2-моддаси 11-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 81-моддасининг учинчи қисмини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 10 октябрдаги 27/2-26-24-сонли далолатномаси). Таклифларнинг инобатга олиниши тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари қонун талабларига мувофиқ олинган, ЖПК нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланган ҳолатлардагина далил сифатида тан олинишига хизмат қилган;

экспертиза муассасалари ва тергов тармоқлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 12 июлдаги 243-сон буйруғи асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низомнинг 7-бандини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 20 майдаги далолатномаси). Таклифларнинг инобатга олиниши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси фаолияти кенгайтирилишига хизмат қилган;

бошқарма катта прокурор-криминалисти лавозимини жорий этишга оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 12 июлдаги 243-сон буйруғи асосида қабул қилинган “Ўзбекистон

Республикаси Бош прокуратурасининг Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низомнинг 15-бандини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 20 майдаги далолатномаси). Таклифларнинг инобатга олиниши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармасида янги лавозим ва фаолият йўналиши пайдо бўлишига хизмат қилган;

одам ўлдириш жинояти юзасидан кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг назарий жиҳатларига доир илмий хулосаларидан “Кўздан кечириш тергов ҳаракати имкониятлари” номли ўқув-услубий қўлланмани шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 20 майдаги далолатномаси). Илмий хулосаларнинг инобатга олиниши одам ўлдириш жиноятини тергов қилиш жараёнида кўздан кечириш тергов ҳаракатларини ўтказишда йўл қўйиладиган хато ва камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш нашр эттирилган. Шулардан, 12 та мақола, яъни, 8 та миллий журналларда, 2 та илмий тўпламларда, 2 та хорижий тўпламда, шунингдек, 3 та услубий қўлланма ва 2 та ўқув қўлланма чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши. Тадқиқот кириш, учта боб, шу жумладан, тўққиз параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг “Одам ўлдириш жиноятини тергов қилишнинг назарий ва криминалистик асослари” номли биринчи бобида тадқиқотчи одам ўлдириш жиноятининг криминалистик тавсифи, одам ўлдириш жиноятлари бўйича исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар, одам ўлдириш жиноятини тергов қилишда вужудга келадиган тергов вазиятлари тавсифи каби масалалар ёритилган.

Тадқиқот ишининг биринчи боби 1.1. параграфи “Одам ўлдириш жиноятининг криминалистик тавсифи” деб номланиб, унда жиноятнинг

криминалистик тавсифи тушунчасига оид олимларнинг фикрлари баён қилинган ва таҳлил қилинган.

И.Исмаилов, Б. Э. Закиров, Ж. С. Мухтаров каби олимларнинг тадқиқот натижаларига кўра, одам ўлдириш жинояти бўйича судланганлар жиноятлари таҳлил қилинганда оилада содир этилган одам ўлдиришларнинг сабаблари сифатида рашк, ўч олиш, жабрланувчининг ноқонуний талаблари, турли тортишувлар сабаб бўлганлигини кўрсатган.

Одам ўлдириш жиноятининг криминалистик тавсифига оид Б.Е. Есимбетова, Ғ.А. Абдумажидов, А.Н.Басалаев, В.А.Гуняев, А.Ф.Лубин, А.М.Шмонин, Н.А.Селиванов, Л.Я.Драп, Р.С.Белкин каби олимларнинг фикрлари баён қилинган ва уларга муносабат билдирилган.

Юқоридаги олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини таҳлил қилган ҳолда қасддан одам ўлдириш жиноятларининг криминалистик тавсифига қуйидагича муаллифлик таърифи берилган: “Одам ўлдириш жиноятларининг криминалистик тавсифи – жиноятларни содир этишнинг мотиви, усуллари, вақти ва жойлари тўғрисидаги криминалистик аҳамиятга эга маълумотлар ва жиноий ҳаракатни содир этган ва унинг ҳаракатларидан жабрланган шахсларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи умумий белгилар тизимидир”.

Криминалистик тавсиф жиҳатдан қотиллик жиноятларини тергов қилишда жиноят содир этилган вақт, жиноят жойи, усули, жиноятни содир этган шахснинг айблилиги, ушбу қилмиш сабаблари, шунингдек, айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, жиноят натижасида етказилган зарарнинг хусусиятлари ва даражаси, жиноят содир этилишига ёрдам берган омиллар ва бошқа, жиноятга алоқадор ҳолатлар аниқланиши лозимлиги баён қилинган.

Бундан ташқари, одам ўлдириш жиноятининг криминалистик тавсифи қандай элементлардан иборат бўлиши кераклиги бўйича Е.П.Ищенко, Н.П. Яблоков, Т.В.Аверьянов, Р.С.Белкин, Н.Г.Шурухнов, И.Р.Астанов каби олимлар фикрлари таҳлил қилинган.

Юқоридаги олимлар таҳлили ва амалиёт тажрибасига асосланиб, криминалистик тавсиф элементларига қуйидагилар, яъни, жиноятчи шахси, жабрланувчи шахси, жиноят жойи, жиноят содир этилиш вақти, жиноятни содир этиш ва уни яшириш усули, жиноят содир этилган вазият, ҳодисанинг оқибатлари, жиноят мотивлари, жиноят излари, типик ҳодиса жойига оид маълумотлар кириши хулоса қилинган.

Ушбу элементларнинг ҳар бири бўйича олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган ва уларни алоҳида алоҳида изоҳлашга ҳаракат қилинган.

Кетма-кет (сериали) жиноят содир этишнинг ўзига хос жиҳатлари, бошқа одам ўлдириш жиноятларидан фарқли жиҳатлари баён қилинган.

Диссертациянинг 1.2. параграфи “Одам ўлдириш жинояти бўйича исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар” деб номланиб, унда Жиноят-процессуал кодексида акс этган исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар санаб ўтилган.

Одам ўлдириш жиноятини тергов қилиш жараёнида терговчи бир қатор ҳолатларни белгилаб олиш лозимлиги ва уларга жиноят содир этилган жой ва вақт, жиноятчининг жиноятга тайёргарлик кўришдаги ҳаракатлари, жиноятни содир этиш механизми, қотиллик қуроли ва жиноятчи фойдаланган бошқа

воситалар, жиноятчини жиноятни яшириш бўйича ҳаракатлари ва унда иштирок этиши, жиноятчининг хатти-ҳаракатлари ва натижада юзага келадиган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, ҳар бир иштирокчининг роли, айбдор шахс ҳаракатларининг моҳияти, мақсади ва мотивлари, жиноятчи шахси, уни тавсифловчи маълумотлар, жабрланувчининг шахси, уни тавсифловчи маълумотлар, шу жумладан, хулқ-атворининг виктимологик жиҳатлари кириши изоҳланган.

Одам ўлдириш жинояти юзасидан қуйидаги масалаларга ойдинлик киритишга ҳаракат қилиш тавсия этилган:

- жиноятчи олдиндан жабрланувчининг турмуш тарзини, ҳаракатланиш вақти ва йўналишини, бўш вақтини ўтказадиган жойларни, транспорт воситаларидан фойдаланишини, хавфсизликни ташкил этишини, маълум бир даврда қаерда бўлишини ўрганганлиги;

- қотилликни содир этиш ва изларини яшириш учун жиноятчи томонидан қандай техник воситалардан фойдаланилганлиги;

- юқорида айтиб ўтилган воситалар қандай йўл билан қўлга киритилганлиги;

- жиноятчи қотиллик маҳоратини ошириш учун, агар шундай бўлса, тайёргарликни қаерда, қачон ҳамда кимнинг ёрдами билан амалга оширганлиги;

- қотилликнинг батафсил режаси ишлаб чиқилганлиги киради.

Юқоридагиларга асосланиб, одам ўлдириш жинояти бўйича терговчи қуйидаги масалаларни ҳал қилиши лозим ҳисобланади: жабрланувчининг ўлим факти; ўлим сабаблари; ўлимда қотиллик аломатлари; жиноят содир этилган вақт оралиғини аниқлаш; ўлим юзага келишидан ким манфаатдорлигини аниқлаш; ўлим қариндош ёки бегона одам томонидан содир этилганлигини аниқлаш.

Тадқиқот ишининг 1.3. параграфи “Одам ўлдириш жиноятини тергов қилишда вужудга келадиган тергов вазиятлари тавсифи” деб номланиб, унда “тергов вазияти” жумласи, турли адабиётларда турлича қўлланиши, масалан, “жиноий вазият”, “тергов ҳолати”, “ҳодиса жойидаги вазият” каби тушунчалар мавжудлиги баён қилинган.

Жиноий вазият ва тергов вазияти таҳлил қилинган. Тергов вазияти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши изоҳланган: психологик хусусият, маълумот берувчи хусусият, процессуал ва тактик хусусият, моддий ва ташкилий-техник хусусият.

Одам ўлдириш жинояти бўйича бир неча вазиятлар мавжудлиги изоҳланган ва улар таҳлил қилинган. Биринчи вазият – қотиллик аниқ, яъни жиноятчи қўлга олинган ёки унинг шахси маълум бўлади. Иккинчи вазият – мурда яширилмаган мавҳум қотиллик, жасад дарҳол ёки қисқа вақт ичида аниқланади, яъни, жиноятчи номаълум. Учинчи вазият – мавҳум ҳолат, унинг механизми ҳам ноаниқ. Мурда топилган, қурбоннинг шахси аниқланган. Бунда ўз жонига қасд қилиш далиллари мавжуд (ёки бахтсиз ҳодиса ёки табиий сабаблар туфайли ўлим), аммо қотилликни яшириш аломатлари бўйича шубҳалар бор. Бундай ҳолат қотилликни яшириш учун эмас, балки унинг асл мотивини ёки ҳақиқий қотилни яшириш учун қилинган сахналаштириш ишлари олиб борилганда ҳам яққол намоён бўлади. Тўртинчи вазият – мавҳум қотиллик, шахси номаълум мурда топилиши билан қўзғатилган. Жасаддаги жароҳатлар қотиллик жиноятини англатади, мурда шу қадар

бузилганги, уни ташқи кўринишига қараб таниб олиш имкони мавжуд эмас. Бешинчи вазият – бу узоқ муддатли мавҳум қотиллик, аммо тахминлар, қолдиқлар – бош суяги, суяк қолдиқлари, кийим қолдиқлари мавжуд, қотиллик ва ўлим сабаби номаълум, бошқа бир қанча сабабларни ҳам тахмин қилиш мумкин. Жабрланувчининг шахси ҳам кўпинча номаълум бўлади. Олтинчи вазият – жасадни қисмларга ажратиш ва шу қисмларни яшириш билан содир этилган мавҳум қотиллик. Бундай вазиятларда жиноят элементларидан фақат яшириш усули ва мурда қисмлари топилган жой маълум бўлади. Еттинчи вазият – шахснинг бедарак йўқолиши. Узоқ муддатли мавҳум қотиллик жинояти. Мурда топилмаган. Гумон қилинган жабрланувчининг шахси маълум, аммо қолган ҳамма нарса номаълум. Саккизинчи вазият – янги туғилган чақалоқ жасадининг топилиши ҳолати. Бунда қотиллик боланинг онаси ёки унга яқин бўлган бошқа шахслар томонидан ҳам содир этилиши мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Одам ўлдириш жиноятини тергов қилишнинг техник таъминоти ва тактик қоидалари”** деб номланиб, унда одам ўлдириш жинояти бўйича терговни режалаштириш, одам ўлдириш жиноятини тергов қилишда тусмолларни илгари суришнинг ўзига хос хусусиятлари, тергов жараёнини техник жиҳатан таъминлаш ва тактик усуллардан фойдаланиш жиҳатдан таъминлаш масалалари баён қилинган.

Тадқиқот ишининг 2.1 параграфи “Одам ўлдириш жинояти бўйича терговни режалаштириш” деб номланиб, унда терговни режалаштириш тушунчасига оид В.Д.Зеленский, С.В.Лаврухин, С.И.Грицаев бошқа бир қатор олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган ва уларга асосланиб ушбу тушунчага муаллифлик таърифи берилган. Унга кўра, жиноят иши бўйича терговни режалаштириш – мақсадларни аниқлаш ва уларни амалга оширишни олдиндан белгиланган дастури (алгоритми) ни тузиш орқали жиноятни очиш, тергов қилиш ва жиноят ишидаги объектив ҳақиқатни амалга ошириш усули ва жараёни сифатида таърифланиши мумкин, бу эса йўналишни кўришга имкон бериб, тергов ва уни амалга оширишнинг энг самарали воситасидир.

Шундан сўнг тергов режасининг таркибий қисмлари таҳлил қилинган. Унга мувофиқ, унинг таркибий қисмлари криминалистик версияларини тузиш ва илгари суриш, мавжуд бўлган барча версияларни таҳлил қилиш натижасида келиб чиқадиган исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ва муаммоларни аниқлаш, дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатларининг комплексини, шу жумладан, илгари сурилган криминалистик версияларини ўрганиш, улардан келиб чиқадиган масалаларни аниқлаш, ишда далиллар масаласини белгилаш ва бошқа тергов вазифаларини ҳал қилиш учун амалга ошириладиган тезкор-қидирув тадбирларини аниқлаш, режалаштирилган тергов ҳаракатлари ва тезкор қидирув тадбирларининг аниқ ижрочиларини тайинлаш, уларни амалга ошириш муддати ва кетма-кетлигини белгилаш.

Тадқиқот ишида терговчи муайян принципларга риоя қилиши кераклиги билдирилган. Улар: жиноятларни тергов қилиш қонунийлиги принципи, тергов тажрибаси ва илмий тавсиялардан фойдаланиш принципи, индивидуаллик принципи, шахсий режалаштириш принципи, динамиклилик (ўзгарувчанлик) принципи.

Тажрибали терговчиларнинг дастлаб батафсил тузилган режаларсиз ишлаш қобилияти қуйидагиларга боғлиқ: ўзгарувчан вазият шароитларига қараб тезкор режаларни тузиш қобилияти; ҳодисани турли тафсилотлари билан қайта тиклашга, унинг кейинги ривожланишини тахмин қилишга имкон берадиган кучли тасаввур; манбаларни бирлаштира олиш қобилияти, катта ижодий энергия ва сезги.

Одам ўлдириш жиноятини режалаштириш таснифи ҳам берилган бўлиб, унга режалаштиришни объекти бўйича, жиноятларни тавсифи ва уларни тергов қилиш ҳолати бўйича, тергов қилишнинг ташкилий шаклига кўра турлари изоҳланган.

Тадқиқотчи ўзининг кўп йиллик тергов тажрибасидан келиб чиқиб, қотиллик жиноятларини тергов қилишда тергов тусмолларини илгари суришнинг аҳамияти жуда муҳим эканлигига урғу берган. Чунки, тергов версияси тергов қилинаётган ҳодисанинг моҳияти, содир бўлиш сабаблари, жиноятчилар, уларнинг айби ва тергов қилинаётган ишда ҳақиқатни аниқлаш учун муҳим бўлган бошқа ҳолатлар ҳақидаги тахминидир. Шунингдек, тадқиқотчи тергов версияларининг шакли ва моҳияти изоҳлаган.

Бундан ташқари муаллиф, жиноятлар, шу жумладан, қотилликларни тергов қилишда тергов версияларининг қурилиши катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, пухта ишланган версия ёрдамида содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини англаб етишга имкон юзага келишини баён қилган. Шу жумладан, тергов версиялари ёрдамида жиноятни содир этган шахсни аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, версияларни шакллантириш ёрдамида терговнинг мақсадларини аниқлаш ва шунга кўра, тергов режасини тузиш мумкин бўлади деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, одам ўлдириш жиноятини тергов қилишда тергов версияларининг роли ҳақиқатдан ҳам жуда муҳимдир. Терговчи жиноят содир этган шахс тўғрисида баъзи типик версияларни асос қилиб олиб, қидирувнинг маълум чегараларини белгилайди. Бундан ташқари, терговчи иш бўйича олинган барча маълумотларни таҳлил қилиб, номаълум жиноятчининг шахсий хусусиятларини аниқлайди ва шу билан чегараларни торайтиради.

Шунингдек, муаллиф ўз тажрибасидан келиб чиқиб, амалиётда тергов версияларини текширишнинг ўзига хос жиҳатларини баён қилиб, версияларни текшириш бир вақтнинг ўзида тергов режасини ва тергов жараёнини амалга ошириш бўлиб, унда тергов режаси олинган маълумотларга мувофиқ доимий равишда тузатилиб борилади. Шу билан бирга, тергов режасини муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шarti – терговнинг самарадорлиги ва тезлигини таъминлайдиган бир нечта версияларни илгари суриш ва параллел текшириш деган хулосалар берган.

Шунингдек, тадқиқотчи ушбу бобда терговни режалаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтган. Ҳар қандай жиноятни, шу жумладан қотиллик жиноятининг тергов сифати ҳам бевосита терговчи томонидан олиб бориладиган ташкилий асосларга боғлиқдир. Шунингдек, қотиллик жинояти бўйича терговни режалаштириш жуда муҳим ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, одам ўлдириш жинояти бўйича терговни ташкил этиш нима ва уни режалаштириш аҳамияти қанчалик муҳим эканлигини эътиборга олиш лозимлигини таъкидлайди.

Диссертант терговни режалаштиришда терговчи таяниши мумкин бўлган маълумотлар, режалаштиришнинг муаммоли масалалари, режалаштиришда инобатга олинishi керак бўлган ҳолатларни таҳлил қилган. Шу билан бирга режалаштиришнинг қотиллик жиноятини фош этиш ва тергов қилишдаги энг муҳим ҳаракатлардан бири эканлигини таъкидлаб ўтган.

Ушбу масала юзасидан муаллиф бир қатор олимларнинг фикрларини ўрганган ва улар асосида ўзининг терговни режалаштиришдаги қарашларини шакллантириб, қўплаб тавсия ва хулосалар ишлаб чиққан.

Бундан ташқари, тадқиқотчи терговни режалаштиришда субъектларнинг ролига алоҳида урғу берган. Ўзининг мазмуни жиҳатидан терговни режалаштириш прокурор, суриштирувчи, терговчи касбий фаолиятининг ташкилий ва ижодий томони бўлиб, у терговнинг дастлабки босқичидан бошланиб, то тугагунига қадар давом этади деб таъкидлайди.

Шунингдек, терговни режалаштиришда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини, муддатларни ҳамда жиноят иши юзасидан тузилган режаларни доимий тўлдириб бориш масалаларига эътибор қаратиб, режалаштиришнинг аҳамияти шундаки, энг самарали натижага эришиш учун жиноятни тергов қилишда қўлланиладиган барча ресурслардан оқилона фойдаланишдир деб таъкидлайди.

Муаллифнинг ушбу бобда таъкидлашича, қотиллик жиноятларини тергов қилишда криминалистик техника ютуқларидан унумли фойдаланиш жиноятларни тез ва тўла очишга, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишган ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашга хизмат қилади. Бунда экспертиза тайинлаш ва уни ўтказиш билан боғлиқ криминалистик тактика муҳим аҳамият касб этади деб таъкидлайди. Тадқиқотчи терговни техник жиҳатдан таъминлаш из ҳосил қилувчи объектни (биринчи навбатда жиноятни содир этган шахсни) аниқлаш учун кўринмас ва илғаш қийин бўлган изларни топиш ва ўрганиш, текширилаётган ҳодисанинг ҳолати ва моҳиятини аниқлаш учун илмий-техник воситалар сонини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш зарур деб ҳисоблайди.

Ушбу параграфда муаллиф терговнинг сифатли амалга оширилиши фақатгина техник таъминотга боғлиқ бўлибгина қолмай, балки уларни моҳирона қўллай олиш, тергов ҳаракатларига тактик жиҳатдан малакали ёндашув уйғунлигига боғлиқдир. Энг яхши, замонавий техник воситалар мавжуд бўлган тақдирда ҳам терговчи тактик қоидаларни тўғри қўллай олмаса бирор-бир натижага эришиши жуда қийин бўлишини баён қилган. Бундан ташқари, диссертациянинг 2.3 параграфида криминалистик тактика ва тактик усуллар тушунчалари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, қотиллик жиноятларини тергов қилиш чоғида криминалистик тактиканинг энг муҳим қоидалари баён қилинган. Ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида терговчи Google Map электрон харитаси, интернет яхши ишламайдиган ҳудудларда кадастр ходими хизматидан фойдаланиши лозимлиги асослантилган. Тадқиқотчи томонидан уяли алоқа воситаларига тегишли бўлган қўшимча деталлар (телефон кутиси, техник паспорти, сим-карта, сим-карта ҳимоя қадоғи)ни топишга эътибор бериш

кераклиги ҳамда ушбу воситалар уяли алоқа воситасига тегишли бўлган қўшимча маълумотларни (сим-карта (ID) хос рақами, ёки IMEI коди) аниқланиш имконини бериши изоҳланган.

Диссертациянинг “Одам ўлдириш жиноятини тергов қилиш услубиётини такомиллаштириш масалалари”га бағишланган учинчи бобида муаллиф тергов жараёнида юзага келадиган мавҳум ҳолатлар бўйича бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар ҳамда тергов қилиш чоғида амалга ошириладиган дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатлари бўйича ўзининг тажрибаларини баён қилиб, мавжуд муаммолар юзасидан асосли таклиф ва мулоҳазаларини келтириб ўтган.

Тадқиқотнинг учинчи боби биринчи параграфи “Тергов жараёнида юзага келадиган мавҳум ҳолатлар бўйича бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар” деб номланиб, унда одам ўлдириш жиноятидаги мавҳум ҳолат яъни тергов амалиётида жиноят аломати яққол мавжуд, аммо бирор-бир шаклда йўналтирувчи излар мавжуд бўлмайдиган вазиятлар санаб ўтилган.

Ушбу қисмда тергов амалиётида юзага келадиган мавҳум ҳолатлар юзасидан бажарилиши ва аниқланиши лозим бўлган ҳаракатлар ҳамда улар билан боғлиқ ташкилий масалалар бўйича муаллиф ўзининг шахсий тажрибаси билан ўртоқлашган. Унда қотиллик жиноятлари бўйича юзага келадиган айрим мавҳум ҳолатлар: шахснинг бедарак йўқолиши, шахси номаълум мурда топилганлик ҳолатлари юзасидан амалиётда терговчи дуч келадиган мавҳум ҳолатларни ўз тажрибаси асосида таҳлил қилган. Муаммоларни тизимли ўрганиб, улар юзасидан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар алгоритминини ишлаб чиққан. Шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг бир қанча усул ва йўллари таклиф ва тавсия сифатида баён этган.

Мавжуд ҳолатлардан биринчиси бедарак йўқолганлик ҳолатида ва ушбу шахсни қидириб топишда амалга ошириш лозим бўлган ҳаракатлар кетма-кетлиги изоҳланган. Тадқиқот ишида фуқаронинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқишда, жиноят иши кўзғатиш учун эътибор қаратиладиган жиҳатлар санаб ўтилган. Бундан ташқари, мавҳум ҳолатлардан бири сифатида шахси номаълум мурда бўлганда амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар кетма-кетлиги изоҳланган. Мурданинг шахсини аниқлашга қаратилган тергов-тезкор ҳаракатлар алгоритми баён қилинган. Терговчи томонидан мурда бўйича суд-тиббий экспертиза тайинлаш ва унда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар, берилиши лозим бўлган саволлар, хулосани баҳолаш масалалари изоҳланган.

Энг муҳим ҳаракатлардан бири сифатида ишнинг самарадорлигини янада ошириш учун терговчи тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи оргалардан ташқари бошқа ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик ўрнатиши лозимлиги баён қилинган.

Тадқиқот ишининг 3.2. параграфи “Тергов қилиш чоғида амалга ошириладиган дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатлари” деб номланган. Унда кўздан кечириш, ҳодиса жойи, ҳодиса жойини кўздан кечириш каби тушунчаларга таъриф берилган. Қотиллик жиноятини тергов қилиш пайтида ҳодиса жойини кўздан кечириш энг мураккаб ва муҳим тергов ҳаракати эканлиги асослантирилган. Катта ҳудудлар ва биноларни кўздан кечиришда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳаракатлар кетма-кетлиги баён қилинган. Кўздан

кечириш натижаларини қайд этишда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар баён қилинган. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш натижаларини қайд этиш усуллари баён қилинган. Кўздан кечириш тергов ҳаракати босқичларга бўлиб ўрганилиб, уларда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳаракатлар баён қилинган.

Тадқиқот доирасида жасад топилган тақдирда уни кўздан кечириш, шахсни аниқлаш билан боғлиқ ҳаракатлар изоҳланган. Ушбу йўналишда амалиётда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари баён қилинган.

Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларидан яна бири сифатида сўроқ қилиш таҳлил қилинган. Жасадни биринчи бўлиб топган шахсни сўроқ қилиш муҳимлиги баён қилиниб, ушбу шахсларни сўроқ қилишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар изоҳланган.

Гувоҳни сўроқ қилиш тактикаси баён қилинган. Гумон қилинувчи, айбланувчини сўроқ қилишда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар изоҳланган. Суд-тиббий экспертизаси унда ҳал қилинадиган масалалар баён қилинган. Ушбу экспертиза турида терговчилар томонидан қўйилаётган ва аслида қўйилиши лозим бўлган саволлар санаб ўтилган. Гумон қилинувчи ёки айбланувчининг руҳий ҳолати тўғрисида шубҳа туғилганда суд-психиатрия экспертизаси тайинланиши лозимлиги асослантирилган.

Дастлабки тергов босқичида олинган маълумотлар асосида, қотилликни содир қилган аниқ бир шахс юзасидан версиялар ишлаб чиқилиши мумкинлиги ва улар уч гуруҳдан бирига тегишли бўлиши мумкинлиги яъни, жабрланувчига таниш бўлмаганлар; у билан бирга истиқомат қилмайдиган танишлар; жабрланувчи билан бирга истиқомат қиладиган яқинлар эканлиги маълум қилинган. Қотилликда айбланган шахсни сўроқ қилишда кўрсатувларни деталлаштириш ва конкретлаштириш каби тактика ўта муҳим аҳамият касб этиши изоҳланган.

Айбланувчининг кўрсатмалари ёлғонлигини фош қилиш учун амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар баён қилинган. Бундан ташқари, тергов экспериментининг ушбу жиноятни тергов қилишдаги самараси баён қилиниб, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишдан фарқли жихатлари таҳлил қилинган. Тергов экспериментини муваффақиятли амалга оширишга оид чора-тадбирлар изчил баён қилинган.

ХУЛОСА

I. Криминалистика ва жиноят-процессуал ҳуқуқининг назарий жихатларини ривожлантиришга оид тавсиялар:

1. Қасддан одам ўлдириш жиноятларининг криминалистик тавсифи тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи берилди:

Қасддан одам ўлдириш жиноятларининг криминалистик тавсифи деганда ушбу тоифадаги жиноятларни содир этишнинг мотиви, усуллари, вақти ва жойлари тўғрисидаги криминалистик аҳамиятга эга маълумотлар ва жиноий

ҳаракатни содир этган ва унинг ҳаракатларидан жабрланган шахсларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи умумий белгилар тизими тушунилади.

2. Криминалистик тавсифнинг қуйидаги элементлардан иборат бўлиши кераклиги таклиф қилинди:

- a) жиноятчи шахси;
- b) жабрланувчи шахси;
- c) жиноят жойи;
- d) жиноят содир этилиш вақт;
- e) жиноятни содир этиш ва уни яшириш усули;
- f) жиноят содир этилган вазият;
- g) ҳодисанинг оқибатлари;
- h) жиноят мотивлари;
- i) жиноят излари;
- j) типик ҳодиса жойига оид маълумот.

3. Одам ўлдириш жиноятининг усулига муаллифлик таърифи берилди, унга кўра, одам ўлдириш жиноятининг усули – ушбу турдаги жиноятни содир этиш усуллари ва услублари, жиноят қуроллари ва воситалари, шунингдек улардан фойдаланиб, жиноятга тайёргарлик кўриш, содир этиш ва яшириш учун қилинган ҳаракатлар йиғиндиси.

4. Одам ўлдириш жиноятини тергов қилишда қуйидаги тергов вазиятлари юзага келади деган хулосага келинди: қотиллик аниқ, яъни жиноятчи қўлга олинган ёки унинг шахси маълум бўлади; мурда яширилмаган мавҳум қотиллик, жасад дарҳол ёки қисқа вақт ичида аниқланади; жиноят содир этилиш механизми ноаниқ, мурда топилган, қурбоннинг шахси аниқланган; мавҳум қотиллик, шахси номаълум мурда топилиши билан қўзғатилган; узоқ муддатли мавҳум қотиллик, аммо тахминлар, қолдиқлар – бош суяги, суяк қолдиқлари, кийим қолдиқлари мавжуд, қотиллик ва ўлим сабаби номаълум; жасадни қисмларга ажратиш ва шу қисмларни яшириш билан содир этилган мавҳум қотиллик; шахснинг бедарак йўқолиши; янги туғилган чақалоқ жасадининг топилиши ҳолати.

II. Жиноят-процессуал ва жиноят қонунчилигини ҳамда бошқа қонунларни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

5. ЖПКнинг “Далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар. Баённомага иловалар” деб номланган 91-моддаси 4-қисмидаги видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган ҳолатларнинг биринчиси яъни ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнини оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзида ўзгартириш таклиф қилинади. Бу ўзгартириш орқали терговни сифатли ўтказиш ва мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

6. ЖПКнинг “Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби” деб номланган 329-моддаси шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар беришга оид иккинчи қисмида **эксгумация,**

кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва экспертиза текшируви учун намуналар олишни ҳам киритиш талаб қилинади. Шундагина одам ўлдириш жиноятида жиноят ииши қўзғатилмаган ҳолда ўлим сабабини аниқлаш учун ушбу тергов ҳаракатларини ўтказиш чеклови олиб ташланган бўлади.

7. Мурдани кўздан кечириш тартибига бағишланган ЖПКнинг 138-моддасини “мурда ёки унинг қисмлари” деб номлаш ва унинг мазмунига ҳам мурда қисмларини кўздан кечириш тартибини киритиш таклиф қилинади.

8. Ягона тергов амалиётини таъминлаш мақсадида ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми “д” банди билан қўзғатилган ёки қайта малакаланган жиноят ишлари бўйича тергов олиб боришни прокуратура органларига тегишлилигини белгилаш ҳақида ЖПКнинг 345-моддасига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш таклиф қилинади.

9. ЖПКнинг Мурдани эксгумация қилиш тартибига оид 149-моддаси биринчи қисмида холислар иштироки шартлиги баробарида видеотасвирга олишни шарт эканлигини киритиш таклиф қилинади.

